

# ШАРТНОМА

Наманган шаҳар	№ 957 Р	2022 й. " 30 " 01
Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «ООО DREAMS PHARMA» МЧЖ номидан иш кўрувчи И.М.Кучкарбоев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи номидан бюджет ташкилоти рахбари иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:	<i>ВФК.Ил. Э.Ишрекотов</i>	

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган холда Дори-дармонларни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш мудати куйидагича спецификацияда белгиланган.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 25518000 (нешрия беме мисим) бўюз чи симсун сўмни ташкил этади.
- 2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичida товарларни "Харидор"га етказиб беради.
- 2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан колган 85 фоиз туловни 70 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилиди.
- 2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
- "Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- "Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;
- Етказиб бериладиган товарлар кийматини хакконийлиги «Харидор» зиммасида булади.
- 3.2. "Етказиб берувчи" қуидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:
- Етказиб берилган товарларни учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Товарларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

Олинадиган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгаришишга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қиласди.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди,
- Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.